

## МОЛ- МУЛК СУҒУРТАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Халимов Бобомурод Бахриддинович*  
*Мустақил изланувчи*

**Аннотация.** Мақолада суғурта соҳасининг мол-мулк суғуртасига бағишланган бўлиб, унда мулкый суғуртанинг пайдо бўлиш асослари, мулкый суғуртани амалга оширишнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** суғурта, суғурта соҳаси, мулкый суғурта, суғурта бозори, суғурта турлари.

Замонавий шароитда суғурта бозори иқтисодиётининг молия соҳасининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади, сабаби у ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Суғурта бу рискга дучор бўлган шахсдан профессионал суғурталовчига ўтказиш механизмини амалга ошириш имконини беради. Бундай жараёнлар нафақат шахсларни ҳимоя қилиш балки улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имконини ҳам беради ва бу орқали бутун мамлакат иқтисодиётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб келади.

Суғурта соҳаси орқали молиявий ресурсларни тўплаш ва улардан ҳар хил турдаги рискларни камайтириш ҳамда ижтимоий ҳимояга йўналтириш учун кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Шу сабабдан суғурта бутун давлат учун ҳам, юридик ва жисмоний шахслар учун ҳам уларнинг барқарорликларини таъминлашда катта роль ўйнайди.

Мулкый суғурта кўп асрлик тажриба ва анъаналарга эга бой суғурта соҳасидир [1]. Суғурта соҳаларидан бири бу мулкый суғурта соҳаси бўлиб, унда суғурта объекти суғурталанган шахснинг мулкый манфаатлари унинг мулкка эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши билан боғлиқ манфаатлари ҳисобланади [2].

Мулкни суғурталаш бозорининг ривожланганлиги маданиятли мамлакат белгиларидан бири ҳисобланади [3].

Суғурта ўзининг тарихий ривожланиши ва жамиятда рискларнинг ўзгариши натижасида бир неча соҳаларга бўлинган ҳолда ривожлана борди. Суғурта соҳасининг энг қадимий ва биринчи турлари орасида мол-мулк суғурта тури пайдо бўлганлиги билан ажралиб туради [4].

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мулкый суғурта бу – суғурта ҳодисаси юз берганда суғуртанувчига (наф олувчига) мулкка етказилган зарарни қоплашни, маълум бир мукофот эвазига шартнома тузган суғурталовчи ўз мажбуриятларини бажариш жараёнидир. Мол-мулкни суғурталаш муносабатларининг объекти бу ҳар хил турдаги мол-мулк ёки суғурта қилдирувчининг бошқа мулкый манфаатларини суғурталаш соҳасидир.

Мулк – бу жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган, хўжалик юритувчи ёки унинг бошқарувида бўлган ашёлар, моддий бойликлар (шу жумладан пул, қимматли қоғозлар), нарсаларни олиш учун мулкый ҳуқуқлар тўпламидир.

Суғурта объекти – бу суғурта қилиниши мумкин бўлган моддий бойликлар, масалан, бинолар, қишлоқ хўжалиги экинлари, уй-рўзғор мулки, автомобиллар ва бошқалар.

Суғурта давлат ва жамиятнинг молиявий муносабатлари тизимининг бир қисмидир, чунки у суғурта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни акс эттиради. Суғурта ҳимоясини таъминлаш – суғурта ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган молиявий хизматларнинг бир туридир. Бироқ, суғурта уни молия тизимининг бошқа элементларидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос асосий тамойилларига эга.

Мулкни суғурта қилишнинг асосий тамойилларининг роли, бу бир томондан, суғурта қилинадиган объектнинг объектив имкониятларини аниқлаш, иккинчидан, суғурта жавобгарлигининг сифат ва миқдор чегараларини белгилашдир.

Мулккий суғуртанинг асосий тамойиллари орасида суғурта тизими фаолиятининг иқтисодий тамойиллари ва суғуртанинг ҳуқуқий муносабатларини амалга ошириш тамойилларини ажратиб кўрсатиш керак. Мулккий суғурталашнинг асосий иқтисодий тамойилларига қуйидагилар киради:

- суғурталанадиган манфаатнинг мавжудлиги тамойили;
- рискларни суғурталаниши тамойили;
- эквивалентлик тамойили;
- мулккий манфаатга эга бўлиш тамойили.

Мулккий суғуртанинг иқтисодий мазмуни унинг иштирокчиларига етказилган зарарни қоплаш учун мўлжалланган махсус суғурта фондиди ташкил этишдан иборатдир. Мулкни суғурталашда суғурталанувчилар мулк эгалари, шунингдек суғурталанган мол-мулкда мулккий манфаатлари (ижара, сақлаш, ташиш ва бошқалар) бўлган бошқа жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодексига” мувофиқ мулккий суғурта шартномасига қуйидагича изоҳ берилган, яъни “Мулккий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулккий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

- муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;
- фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

– тадбиркорлик хавфи – тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи”.

Бунда, суғурта суммаси – бу суғурталовчи шартнома бўйича жавобгар бўлган суммадир. Суғурта қиймати – бу мулкни тиклаш қиймати ва амортизация чегирмалари. Шунингдек, суғурта қиймати ва суғурта суммасининг нисбати учун талаблар мавжуд, агар:

1) суғурта суммаси суғурта қийматидан юқори белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта суммасини суғурта қиймати миқдорига (суғурта мукофотини мутаносиб равишда камайтириш билан) дарҳол камайтиришни талаб қилиши керак. Қонунчилик ҳужжатларига кўра, суғурта шартномаси суғурта суммасининг мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетган қисмига ҳақиқий эмас деб топилади, ҳамда ортиқча суғурта мукофоти қайтарилмайди;

2) суғурта суммаси суғурта қийматидан пастроқда белгиланиши, бу ҳолат номутаносиб суғурталаш ҳам деб аталади. Унинг моҳияти шундан иборатки, суғурталовчи суғурта шартномасини мулкнинг тўлиқ қиймати учун эмас, балки унинг бир қисми учун тузади. Ушбу тамайил пропорционал суғурта деб ҳам аталади.

Номутаносиб суғурталаш амалга оширилганда, ҳар қандай зарар суғурта суммаси ва суғурта қиймати ўртасидаги нисбатни ҳисобга олган ҳолда мутаносиб равишда тўланади. Икки томонлама суғурта, агар объект бир хил вақт давомида бир хил хавфдан суғурталанган бўлса, шунингдек, барча шартномалар бўйича суммалар биргаликда суғурта қийматидан ошса, бундай суғурталаш қонун билан тақиқланади.

Суғурта мақсадларида мулкни у тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари бўйича таснифлаш қабул қилинган, улар одатда саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фуқароларнинг мулклари ўртасида фарқланади.

Мулкни суғурталаш шартномалари одатда бир йил муддатга тузилади. Аънанавий равишда ушбу қисқа вақт ичида суғурта хавфининг ўзгариш хатти-ҳаракатларида кескин тебранишлар бўлмайди деб тахмин қилинади.

Мулкни суғурталашда суғурталанувчининг зарарнинг бир қисмини қоплашда иштирок этиш мумкин бўлади:

1) суғурталанувчи ҳар қандай зарарнинг маълум фоизини ўз зиммасига олади;

2) франшиза – суғурта шартномасида белгиланган, суғурталовчи томонидан қопланмайдиган зарар миқдори. Маълумки, франшиза шартсиз ва шартлиларга бўлинади. Мулкни суғурта қилишда шартсиз франшиза қўлланилганда суғурта қопламаси суғурта суммаси доирасидаги зарар миқдорида франшизани олиб ташлаган ҳолда тўланади. Шартли франшиза фойдаланганда зарар унинг доирасида қопланмайди, лекин ундан ошиб кетганда, суғурта суммаси доирасида тўлиқ қопланишини назарда тутлади.

Шунингдек зарарлар қўйидаги миқдорларда тўлаб берилади:

1) суғурталанган мол-мулк зарарланганда – суғурта ҳодисаси содир бўлган кун амалда бўлган нархларда зарарланган мулкни тиклаш (таъмирлаш) қийматининг суғурта суммаси доирасида;

2) барча суғурталанган мол-мулк тўлиқ нобуд бўлган (йўқолган) тақдирда – суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги йўқолган мулкнинг амалдаги қийматидан фойдаланишга яроқли қолган қисмини чегириб ташлаган ҳолда, лекин суғурта суммасидан юқори бўлмаган миқдорларда тўлаб берилади.

Шундай қилиб, мулккий манфаатларни ҳимоя қилиш учун суғуртадан фойдаланишнинг иқтисодий зарурати салбий оқибатларга олиб келадиган тасодифий, кутилмаган ҳодисаларнинг рўй бериши билан боғлиқдир. Миллий суғурта бозори ривожланиш тенденцияларни намоён этиб бориши мулкни суғурталашни такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш керак бўлади. Мулкни суғурталаш нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узлуксизлигини таъминлаш, балки суғурта ҳодисаси содир бўлганда йўқотишларни минималлаштиришга ёрдам бериши билан аҳамиятлиги уни ривожлантиришни долзарб қилиб қўяди.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Севек Р.М. Экономическая сущность имущественного страхования. "Экономика и социум" №6(25) 2016. 596-598 стр.

2. Хорольская Т.Е. Оценка имущественного страхования в России как сегмента страхового рынка. Вестник Академии знаний № 46 (5), 2021, 412-417 стр.

3. Асатуллаева Я.В. Развитие страхования имущества в РФ. "Экономика и социум" №1(80) ч.1 2021, 390-393 стр.

4. Абдурахмонов И. Х. Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари //Автореферат дисс... и. ф. д. – 2023. – Т. 78.